# «ЭНГ ЯХШИ МАКТАБ»

Ҳозирда кўрик-танловларнинг кўпайиб кетганлигининг боиси, менимча, инсонлар, жамоалар меҳнатини таққослаб, уларнинг муносибларини ажратиш ва қолганларни ҳам илғорларга эргашишга даъват этиш бўлса керак. Шу кунгача бир хил мактаблар бир хил муаллиму ўқувчилар тайёрлаш табиий ҳолга айланиб қолганди. Эндиликда эса «Ишламаган, тишламайди» деган нақлга бир оз бўлсада, амал қилинаяпти.

1991—1992 ўқув йилида Қашқадарё вилояти бўйича мактаблараро уюштирилган «Йилнинг энг яхши мактаби» кўрик-танлови ҳам худди шу мақсадда ўтказилди. Ҳар томонлама текшириб кўрилган илм масканлари ўртасида Қарши ноҳиясидаги Қурбон Ўлжабоев номидаги 19-ўрта мактаб танлов ғолиби, деб топилди. Мени уларнинг бу ютуқни қўлга киритишига сабабчи бўлган омиллар қизиқтирарди. Шу ниятда кўп йиллардан буён бу жамоага бош-қош бўлиб келаётган Муродилла Очилов билан қисқача суҳбат қурдим.

— Мактабимиз 1992 йилдан фаолият бошлаган. Шу давр мобайнида бу маскан уч йилликдан ўрта умумий таълим мактаби даражасигача кўтарилди. 1961 йилдан буён директорлик лавозимидаман, — дейди Муродилла ака. — Ҳозирда мактабда 28 та синфда 680 ўқувчига 61 нафар ўқитувчи таълим-тарбия бериб келаяпти.

Ташаббускор муаллимлардан Н. Бобоев, А. Усмонов, Б. Раҳмонова, М. Полвонова, Г. Қултаева, С. Турсунов ва яна бир қатор педагоглар ўз фани сир-асрорларини болаларга сидқидилдан ўргатиб келмоқда. Мактабимизда ташкил этилгаан «Илғорлар тажриба мактаби» бу соҳага эндигина қадам қўяётган ёш мутахассислар учун йўл-йўриқлар кўрсатувчи маконга айланган.

— Айни кунлар «ўзинг учун ўл етим» бўлиб қолган бўлса-да, ҳар қалай ҳукуматимиз халқ таълими соҳасига сахийлик қилиб турибди. Якунланган ўқув йили учун ажратилган 64800 сўм маблағ ҳисобига илм масканимиз учун турли жиҳозлар, ўқув қуроллари ва техника воситалари сотиб олдик. Ўзимиз ҳам қараб ўтирганимиз йўқ. Мактаб тажриба участкасидан 11370 сўмлик даромад олдик. Ундан ташқари ўқувчиларни бепул овқатлантириш учун 230 килограмм помидор шарбати, 320 килограмм пиёз, 310 килограмм сабзи, 53 килограмм саримсоқ ўз ҳисобимиздан бўлди. Олинган фойда ҳисобидан шароити оғир бўлган 34 оила болаларига 1900 сўм ажратилди. Келгусидаги режалар ҳам чакки эмас. Ҳозир 5 гектарга ер олиб, пахта экканмиз. Келажакда ундан 70-80 минг сўм даромад олиш мўлжалимиз бор. Буларнинг барчаси ўқув-тарбия ишларини такомиллаштиришга сарфланади.

Биз сўнгги йилларда ўқувчига мактабдаёқ, ҳеч бўлмаганда касб сирларини ўргатиб, битиргач ишчилар билан ёнма-ён ишлашларини таъминлаш ҳаракатидамиз. Очилиш арафасида турган «Кичик корхона»да болалар чарм пишириш, тери тайёрлаш, улардан оёқ кийимлари ва болалар қишки кийимлари тикишни ўрганадилар. Бу ишларнинг барчаси яхши-ю, бироқ ҳалигача ўрта умумий мактабларнинг иқтисодий жиҳатдан мустақил эмасликлари панд беради. Бирор сўм керак бўлса, қишлоқ шўросига, ХТБга югуришга тўғри келади. Шунга яраша ололсанг бир гап, бўлмаса...

Директор гапини эшитарканман, унда доно инсонга, куюнчак раҳбарга хос бўлган хислатлар мажмуи борлигига ишондим. Унинг ва мактаб жамоасининг келгусида шу йўлдан оғишмай илдамлашига куч-қувват, сабр-бардош тиладим.

Б. УМИРОВ.
Қашқадарё вилояти.

# ЎҚУВЧИ ҲАҚМИ ЁКИ ЎҚИТУВЧИ?

Ўқишга кирувчи йигит ва қизлар ўзбек тилидан диктант ёзиш асосида ўрта мактабда олган билим ва малакаларини намоён этишади. Она тили бойлиги бўлмиш сўзларни хато ёзмаслик учун имло ва тиниш белгилари бўйича қабул қилинган қоидаларга амал қилишга ҳаракат қилишади.

Хўш, ҳозирги мавжуд қонун-қоидалар, улар асосида тузилган турли-туман имло луғатлари, жумҳуриятимиздаги ўқишга кирувчилар севиб ўқиётган хилма-хил рўзномалар, ойнома ва китоблар бугунги нозиктаъб ёшларимизнинг талабларига жавоб берадими? Уларда юксак саводхонлик барқ уриб турибдими? Ёшларимиз мана шу нашрлардан дастуриламал сифатида фойдалана олишлари мумкинми?

Худди, мана шу ўринда ўқитувчилар ва ўқувчилар ўртасида маълум келишмовчиликлар юз бермоқда. Қўйилган баҳо устида икки томонлама тортишувлар авж оляпти. Муаллимлар бир имло луғатини кўрсатишса, даъвогар томон иккинчи бир луғатни, нашр этилган китоб, рўзнома ва ойномаларда ўзлари ёзган сўз шаклларининг «тўғри» нусхаларини кўрсата бошлашади. Бу ўринда, аксарият пайтларда ўқитувчилар ҳамма вақт ҳақ бўлиб, ўқувчилар ноҳақ бўлиб қолишади.

Аввало, бу хил салбий жиҳатларга амалдаги алифбомизнинг тилимиз табиатига мутлақо мос келмаслиги сабабчи бўлса, иккинчидан, ҳозирги мавжуд имло қоидаларидаги ноаниқликлар сабаб бўлмоқда.

Фикрларимизни мисоллар теварагида асослашга ўтайлик. Масалан, русчада Щ ҳарфи билан ишлатиладиган айрим сўзлар ўзбек имлосида ШЧ бирикмаси орқали ёзилади: мешчан, помешчик, Шчербаков, обшчина, Шчедрин, ямшчик каби деб 1956 йилда қабул қилинган ва бугунги кунда «Ўзбек орфографиясининг ҳам ўз кучини йўқотмаган асосий қоидалар»нинг 18 бандида кўрсатилган.

НГ бирикмаси: 1) онг, тонг, энг, кўнгил, манглай, танглай, тингламоқ, инграмоқ, жаранграмоқ, аранг, таранг, айтингиз каби сўзларда ажратилмай айтиладиган бурун товуш ўрнида ёзилади; 2) конгресс, тангенс, инглиз, танга (пул) каби сўзларда ажратиб айтиладиган «н» ва «г» ўрнида ёзилади, деб 22-бандда кўрсатилган.

«Асосий қоидалар»нинг бўғин кўчирилиши қисмида — 60-бандда «Ажратилмай айтиладиган бир товушни кўрсатувчи «нг» ва «шч» ҳарфлари ажратилмай кўчирилади: си-нгил, кў-нгил, сўнгра, тонгда, мешчан, поме-шчик, об-шчина ям-шчик.

Бундай кўрсатиш ва таъкидлашларга қарамасдан, мактаб ўқувчилари мешчан сўзини меш-чан, ямшчикни ямшчик, помешчикни помеш-чик; сингил сўзини син-гил, кўнгилни кўн-гил, укангизни укангиз каби бўғинларга ажратиб ёзишмоқда. Бу ҳол нафақат ўқувчиларнинг ёзма ишларида, балки рўзномаю ойнома саҳифаларида, дарсликлар ва бадиий асарларда ҳам сонсиз-саноқсиз учрайди.

Бундай хатолар алифбомизда махсус ҳарф орқали ифодаланмаган товуш орқали юз бермоқда. Уни ҳисобга олиш керакми ёки йўқми? Олинадиган бўлса, бу ҳақда жойлардаги «қабул ҳайъати» раҳбарларига махсус кўрсатмалар бериш керак. Кўрсатма бўлмаса, кириш имтиҳонлари пайтида ўқитувчилар «Асосий қоидалар» асосида бундай хато бўғин кўчиришларни хатолар рўйхатига киритиб, талабаликка даъвогарларга паст баҳо қўйишаверади.

Ўқитувчилар ва ўқувчилар ўртасидаги жанжалларнинг яна бири қўшма ва жуфт сўзларнинг ёзилишида ва баҳоланишида рўй бермоқда. «Имло луғатлари» (1956, 1981 йилги нашрлар)да сўз боши, лашкар боши, минг боши каби сўзлар ажратиб ёзилгани ҳолда, ўзбек тилида чоп қилинган бадиий асарларда, икки жилдли изоҳли луғатларда, русча-ўзбекча, ўзбекча-русча сўзликларда, ўзбек тилининг тескари луғатида мирзабоши, онабоши, мироббоши, мингбоши, юзбоши, қўрбоши кабилар қўшиб ёзилган.

Иккинчи қисми атоқли отлардан иборат бўлган қўшма сўзлар ажратиб ёзилади, деб «Асосий қоидалар»нинг 58-бандидаги 14-қисмида Умум Европа мисол қилиб келтирилади, лекин 1981 йилги «Имло луғати»да Умумевропанинг иккинчи қисми кичик ҳарф билан бошланиб, қўшиб ёзилган. Худди шунга ўхшаш Умумроссия ҳам қўшиб ёзилган (146-бет). Асосий қоидаларнинг 5-банд 3-қисмда икки отдан тузилган сифатлар ажратиб ёзилади, деб қатор мисоллар рўйхатида бодом қовоқ (қиз) сўзи берилади. Шу сўз луғат қисмида қўшиб ёзилади (40-бет). Жуфт сўзларнинг чизиқча орқали ёзилиши «Асосий қоидалар»нинг 57-бандида аниқ-равшан кўрсатилган: эрта-кеч, катта-кичик, тун-кун каби. Шу моддага эслатмада «бундай жуфт сўзларда — у (ю) боғловчиси келганда чизиқча қўйилмайди: еру осмон, ору номус, туну кун, кечаю кундуз, ёшу қари, қўю қўзи каби мисоллар келтирилган. Энди матбуот саҳифаларида ишлатилаётган хилма-хилликларга назар ташлайлик: эркак-аёл жуфт сўзи бир мақолада қуйидагича ишлатилган: «Шармиҳаё кўтарилди, эркак-у аёлнинг фарқи қолмади». («Туркистон», 1992 йил 22 январь 4-бет).

— У боғловчиси бўлгандан кейин чизиқча ортиқча қўлланган. Бу жуфт сўзлар тоғу тош, еру кўк, илму фан, илму ҳунар, ҳангу манг, илму маърифат, дарду алам тарзида ёзилиши лозим эди.

«Асосий қоидалар»нинг 3-бандида «Қ» ва «К» товушлари билан тамом бўлган истак, тилак, ўртоқ, қишлоқ каби айрим сўзларга эгалик қўшимчаси қўшилганда «Қ» товуши «Ғ» га, «К» товуши «Г» га ўтиши ва шундай ёзилиши кўрсатилади: қишлоғи, истаги.

Лекин «Асосий қоидалар»га кирмай қолган қуйидаги ҳолат ҳам мавжудки, буни ёзишда ҳам хилма-хилликлар юз бермоқда:

ўзбек-туркманни ўзбеку туркман, ўзбегу туркман тарзида, эркак-аёлни эркаку аёл, эркагу аёл тарзида, қозоқ-қирғизни қозоқу қирғиз, қозоғу қирғиз тарзида, бирлик-тотувликни бирлику тотувлик, бирлигу тотувлик тарзида ёзиш давом этмоқда.

Кўринадики, «К» ва «Қ» товушлари эгалик қўшимчаси олгандагина эмас, балки боғловчи вазифасидаги («ва» ўрнидаги) — У ни олганда, айрим ҳолларда — А, — ЕЙ юкламаларни олганда ҳам (ўртоғинг қозоғ-а?) «Ғ» ва «Г» га айланиши мумкин. Аммо бу ҳодиса ҳам аниқ бир хилликка келтирилмаган. Талабаликка даъвогарларнинг ёзма ишларида бундай ҳолатлар учраб қолса, улар қандай баҳоланиши мумкин? Ўзбеку тожик тўғрими ёки ўзбегу тожик? Ўртоғинг қозоқ-а? Дугонанг қорақалпоғ-а? Оббо қозоғ-ей! Тасаддуғ-эй! Бу мисоллар қандай баҳоланиши керак?

Худди шундай мунозарали қўлланиб келаётган ҳолатлардан бири Қозоғистон сўзидаги иккинчи «Қ» товушнинг «Ғ»га ўтиши (Қозоғистон эмас), балки Ўзбекистон сўзидаги «К» товушининг «Г» га ўтмай (Ўзбегистон эмас) қолишидир. Ўқишга кирувчилар бу сўзларни Қозоқистон ёки Ўзбегистон тарзида ёзишса, хато ҳисоблаш керакми ёки унга эътибор бермаслик керакми? Ёки булар қоидага истисноми?

Матбуот саҳифаларида қабул қилинган «Асосий қоидалар»ига риоя қилинмасдан яна бири бу юкламаларнинг ишлатилиши масаласидир. «Асосий қоидалар»нинг 54-бандида -ми, -оқ, -ёқ, -гина, -кина, -қина каби юкламалар ўзидан олдин келган сўзларга ҳар вақт қўшиб ёзилади: келдими? менгина, сенгина, келибоқ, ўзиёқ, тузуккина, юмшоққина каби. Аммо -чи, -да, -а, -я, -ю, -ку, -э юкламалари чизиқча билан ажратиб ёзилади: сен-чи? борасан-да, ўзинг-а? борасан-а, ўзи-я? борди-ю, келди-ю, эшитдинг-ку, бор-э, қўй-э каби деб кўрсатилади. Қоидаларга -эй, -ов, -ёв, юкламалари кирмай қолган: ўғлим-эй, тасаддуғ-эй, кўрган-ов, эшитди-ёв.

Хулоса қилиб айтганда, ўқишга киришга тайёрланаётган ҳар бир талаба матбуот саҳифаларида, бадиий адабиётларда берилаётган грамматик шаклларга қараб иш тутмасдан, ҳозирча, 1956 йилда Ўзбекистон ҳукумати томонидан қабул қилинган ва бугун ҳам бекор қилинмаган «Ўзбек орфографиясининг асосий қоидаларига кўра иш олиб бориши керак. Ана шундагина иккала томон ўқитувчилар ва ўқувчиларнинг ўртасида турли-туман келишмовчиликлар чиқмасдан, талабаликка даъвогарларнинг ёзма ишлари ижобий баҳоланиши мумкин.

Машариф САФАРОВ.
1-Тошкент давлат тиббиёт олий илмгоҳи ўзбек тили кафедраси мудири, филология фанлари номзоди.


## ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!
## ОБУНА ВАРАҚАСИНИ БЕХАТО ТЎЛҒАЗИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛИНГ!

Агар обуна «Матбуот уюшмаси» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлимларида расмийлаштирилганда эса тақвим штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

## АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Рўзнома ва ойномаларга обуна варақчасини сиёҳли ручкаларда хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг.

Обуначи ўз турар жой манзилгоҳи, насаби, исми ва отасининг исмини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақчасидаги «ПВ-Жойи» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Матбуот уюшмаси» агентликлари ходимлари тўлғазади.


*Долзарб мавзуда олимнинг мулоҳазалари*

# ҚОНУНБУЗАРЛАР ҚАЕРДАН ПАЙДО БЎЛАДИ?

Кейинги йилларда ҳаётимизда ўсмирларнинг қонун бузиш ҳоллари сезиларли кўпайди. Нега? Бунинг туб илдизи қаерда? Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, қонунбузарларнинг 70 фоизга яқини тўлиқ бўлмаган оилада тарбияланганлар. Оилада отанинг йўқлиги боланинг ёши учун жуда муҳим бўлган ота тарбияси ва таъсиридан маҳрум қилади. Қатор ҳолатларда оиланинг тарқалиб кетиши маиший ҳаётда шундай чигалликларга олиб келадики, бунинг натижасида у ўсмирнинг ҳаётга муносабатини шакллантиришга салбий таъсир кўрсатади. Шунингдек, ўсмирга тўла, аммо маънавий жиҳатдан нотинч оила ҳам салбий таъсир этади.

Нотинч оилада мунтазам жанжал бўлиб турадиган, оиланинг катта аъзолари ичкиликбозлик қиладиган, ахлоққа зид ҳаёт кечирадиган оилаларни киритиш мумкин. Ота-оналарнинг ичкиликбозликлари деярли ҳамма вақт болалар билан жоҳилларча муносабатда бўлишга олиб келади. Болалигида оилада жоҳилликка, қўполликка, зўравонликка дуч келган ўсмирлар вояга етгач, ўзлари ҳам жоҳил, тажовузкор, бошқаларнинг қадр-қимматини оёқости қиладиган кишилар бўлиб етишишлари мумкин.

Ўзига яқин кишиларнинг жоҳиллигини, носамимий муносабатини синаб кўрган ўсмирлар ёки ота-оналарнинг ҳамма нарсани кечирадиган ҳаддсиз муҳаббати билан талтайган болалар худбин, атрофдагиларга бефарқ бўлиб ўсадилар. Моддий эҳтиёжи кескинлашган, кўнглига келган нарсани ҳар қандай йўл билан қондирадиган оилаларда болалар иккиюзламачи, хасис бўлиб улғаядилар. Бундай оилалардаги салбий таъсир, агар боланинг моддий эҳтиёжларини қондиришдаги ортиқча сарф-харажатлар билан уйғунлашса, яна ҳам чуқур илдиз отиши мумкин. Бундай таъсир натижасида жамиятда катта талаблар қўядиган, ҳеч қаерда ишламайдиган, текинтомоқлар тарбияланадилар.

Айрим оилалар маиший ҳаётида зарарли сарқитлар, жамиятга қарши қаратилган қарашларнинг мавжудлиги балоғатга етмаган болалар шахсини шакллантиришга ёмон таъсир этади. Ота-оналар билим савияларининг пастлиги болалар хулқида, эҳтиёжлари, интилишлари ва манфаатларининг шаклланишида акс этади. Оилада маданият ва таълим даражаси қанчалик кам бўлса, ота-оналар ва ўсмирларнинг нотўғри ҳаёт кечиришлари эҳтимоли шунчалик юқоридир.

Оилавий ҳаёти тўғри изга тушмаган оилалар билан иш олиб боришда ўқитувчи ва тарбиячилар тарбиявий ишларнинг турли-туман шакл ва услубларидан фойдаланишлари керак. Балоғатга етмаганларнинг назоратсизлигига ва қонунбузарлигига олиб келувчи сабабларнинг бир-биридан фарқ қилиши оилавий ҳаёти тўғри изга тушмаган оилалардаги ота-оналарга тарбиявий тавсифдаги табақалашган чораларни қўллашни талаб қилади.

Катта ёшли кишиларнинг ягона мақсади фаровонликда, роҳат-фароғатда яшашдан иборат бўлган оилалардаги болаларга ҳам қийин. Ота-оналар ўз ишлари билан банд бўладилар, болалар эса ўз ҳолига ташлаб қўйилади. Бироқ, катта ёшли кишиларнинг намуналари шу ерда ҳам сезилади: ўғирлик учун ушланган болаларнинг кўпчилиги худди мана шундай оилалардан бўлиб чиқади.

Тарбияси қийин ўсмирларнинг шаклланишига олиб келувчи яна бир жиҳатга тўхталиб ўтиш зарур. У юқорида тилга олинган оилада бўлгани каби, яхши оиладан ҳам чиқиши мумкин. Бу боланинг оиладаги ёлғизлигидир. Бола ташқи муҳитдан ўзига ўхшаш болаларни излайди. Бундай «компания» унинг «тарбиясини» охирига етказади. Айниқса мана шундай ҳулқ-атворли болалар билан курашиш жуда қийин кечади.

Оилавий тарбия маданиятининг пастлиги яна қуйидагиларда намоён бўлади. Айрим ота-оналар (кўп ҳолларда оталар) болаларга (ўсмирларга) тезроқ «катта бўлиш» йўлларини кўрсатишга ҳаракат қиладилару, бу билан унинг тарбиясига жуда катта зарар келтиришларини билмайдилар. Бундай ҳол одатда катталар ўсмирларга катталикнинг ташқи белгиларинигина сингдиришга интилишларида кўринади. Аммо, ўсмир аввалги даражадалигича қолаверади. Қизларда бу ҳолни кийинишида, атир-упа ишлатишида, жинсий алоқага оид билимларини оширишда кузатиш мумкин. Болаларда эса катталарга хос фазилат — чекиш, ичкилик ичишга иштиёқ кучаяди.

Катталар ва тенгдошларидан бегоналашиш, ёлғизлик, эътибор-муҳаббатнинг йўқлиги, ўзининг «тўлақонли» эмаслигини ҳис қилиш натижасида ўсмирда ўзини «тушунадиган», ўзини бошқалардан юқори тутадиган даврага қўшилиш истаги пайдо бўлади.

Балоғатга етмаган ўсмирлар ўртасидаги қонунбузарликнинг олдини олиш муаммоси ҳал қилинар экан, ўсмир тарбияланаётган ва вояга етаётган оилавий шароитларни яхши билмоқ зарур. Биз балоғатга етмаган қонунбузарларнинг оилалари билан ўрта мактабларнинг 9—10-синф ўқувчилари ,ҳунар-техника билим юрти ўқувчилари оилаларини қиёслаб ўрганиб чиқдик. Ҳаммаси бўлиб 15 ёшдан 18 ёшгача бўлган 240 қонунбузар, 9—10-синфларнинг 15—17 ёшли 160 ўқувчиси, ҳунар-техника билим юртининг 15—17 ёшли, 40 ўқувчиси сўровдан ўтказилди. Сўров мақсади, ҳужжатлар (шахсий ишлар, тавсифнома, хатлар) таҳлили қуйидагилардан иборат эди: 1) қонунбузарлар ўсмир оиласининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш (ижтимоий педагогик жиҳатдан); 2) оилада балоғатга етмаган қонунбузарлар ҳулқини шакллантиришга ёрдам берувчи руҳий муҳитни кўриб чиқиш.

Синовдан ўтказилаётганларга қуйидаги саволлар тавсия этилди:

1. Ота-оналарининг маълумоти ва ихтисоси.
2. Ота-оналарининг ёшлари.
3. Оиладаги болалар сони.
4. Оиланинг моддий аҳволи.
5. Ота-оналарининг ўзаро муносабатлари.
6. Ота-оналар болаларга қандай муносабатда бўладилар ва аксинча?
7. Ота-оналар ишдан бўш пайтларида нима иш билан шуғулланадилар?

Ўтказилган қиёсий таҳлил натижасида қуйидаги хулосага келинди:

1. Балоғатга етмаган қонунбузарлар ота-оналарининг умумий таълим ва маданий даражаси паст: 65 ота ва она саккиз йиллик маълумотга эга эмас; 24 ота-она чаласавод.
2. Ота-оналарнинг тартибсиз оилавий — никоҳ муносабатлари бола ва ўсмирларнинг педагогик қаровсизлигига ва қонунбузарлигига олиб келган.
3. Бут бўлмаган оилада тарбияланиш (37 фоиз) болалар хулқига салбий таъсир этаётган салмоқли омилдир.
4. 182 балоғатга етмаган қонунбузарнинг оиласи моддий таъминланганлик жиҳатидан ҳаёт кечиради. Демак, ўсмир ҳулқидаги қусур оиланинг моддий таъминоти билан боғлиқ эмас.
5. Ўсмир хулқидаги қусур оиладаги аҳлоқий микроиқлимга ва ўсмирнинг ҳиссий кечинмаларига боғлиқ. Оиладаги ўзаро муносабатларни чуқур тушуниш имкониятини чекловчи ақлий нобаркамоллик ўсмирга уни тушунишга имкон бермайди ва руҳиятини чуқур жароҳатлайди.

Турли-туман руҳий, педагогик ва социологик тадқиқотлар шахс сифатларини шакллантириш билан муносабатларнинг оилавий муҳити тавсифи ўртасида алоқа борлигидан далолат бермоқда.

Муайян дастур бўйича (моддий бойлик, ахлоқий муҳит, амалий муносабатлар тавсифи, тарбиявий таъсир чоралари) ўсмирлар оилаларини ўрганиш маълумотлари шуни кўрсатдики, моддий фаровонлик, оила таркиби, маълумоти, касби, ота-оналарнинг шахсий хусусиятлари билан боғлиқ айрим тафовутларга қарамай, уларда: маиший манфаатларининг устунлиги; ота-оналарнинг ўзаро болалар билан инсоний муносабатлари даражаси ўта паст савиядалиги; болаларнинг маънавий дунёси, уларнинг инсоний манфаатларига бефарқлик, тарбиявий таъсирнинг (сўкиниш, ҳақоратлаш, тан жароҳати етказиш, қарғаш) қўпол чораларини қўллаш, ота-оналарнинг, айниқса, оталарнинг) (ичади, номақбул ҳаёт кечиради) паст ахлоқий даражаси; синф раҳбарлари, мактаб билан алоқа қилишга хоҳишнинг йўқлигида (ота-оналар йиғилишларида, умумий тадбирларда қатнашмайдилар, педагогларнинг обрўсини тўкадилар) сезилади. Ўсмирда инсоний муносабатлар бош омил бўлган ижобий ахлоқий идеалнинг йўқлиги унда инсонийликка хос бўлмаган ножўя хулқнинг шаккланишига олиб келади, бу эса жиноятчилик белгисидир. Афтидан бундай ҳолларда ишга жамоатчилик, ишчилар жамоаси аралашиши ёки болаларни ёмон муҳитдан бутунлай ажратиб ташлаш, уларнинг маънавий ривожланишларига ёрдам берувчи шароитлар яратиш мақсадга мувофиқдир.

Оилада турлича маънавий шароитларга эга бўлган ўсмирларнинг тарбияланганлик даражасини тадқиқ қилиш жараёнида биз асаб тизими аҳволи ва унинг ўсмир маънавий дунёсини шакллантиришдаги тутадиган ўрнини аниқлашга ҳаракат қилдик. Ўз тадқиқотларимизда қуйидаги тахминлардан келиб чиқдик:

1. Оиладаги ноқулай ахлоқий-руҳий вазият ўсмирнинг ҳиссий-иродавий хусусиятларига салбий таъсир этиши мумкин.
2. Ўсмирлар ҳиссий-иродавий соҳасининг ривожланиш даражаси биологик хусусиятлар, хусусан асаб тизими аҳволи билан боғлиқ.
3. Ўсмирлар ҳиссий-иродавий ривожланишидаги биологик боғлиқлик оиладаги аҳлоқий-руҳий шароитлар билан ўзаро уйғундир.

Ушбу ҳолатда ҳиссий-иродавий соҳа даражасини аниқлаш учун қуйидагилар асос бўлиб хизмат қилди: 1) синфдошларнинг баҳолари; 2) ҳаётий фаолиятнинг аниқ шароитларида руҳий ҳолат кўринишини кузатиш; 3) ўз-ўзини таҳлил қилиш асосида ўқувчининг ўз хулқи ҳақидаги фикри; 4) синф раҳбарининг фикри.

Оила тўғрисида ахборот тўплаш мақсадида иншо ва шахсий суҳбатлардан фойдаланилди. Тажрибадан ўтказилаётганларнинг асаб тизими аҳволи асаб касалликлари мутахассиси ёрдамида ўрганилди. Ҳаммаси бўлиб 5—8-синфларда ўқийдиган 105 ўсмир, шу жумладан нотинч оилалардан 45 бола кузатилди.

Тадқиқотларимиз натижалари шуни кўрсатдики, ўсмирларнинг ҳиссий-иродавий соҳасидаги фарқланиш инсоннинг ўзини тута билиши, тиришқоқлиги, масъулияти, одамларга ишончи каби сифатларида кўзга ташланди.

Асаб кучли бузилган ҳолатларда, масалан, қаттиқ аччиқланганда бу сифатлар бўшашиши ёки йўқолиши мумкин. Шу тариқа, асаб тизими сезиларли даражада бузилган ўсмирнинг ҳиссий-иродавий соҳасида бошқа салбий хусусиятлар — сусткашлик, одамларга ишончсизлик ва бошқа сифатлар шаклланади.

Оиланинг ноқулай маънавий-руҳий муҳити, айниқса, ундаги ноқулай ички муносабат, ота-оналарнинг аҳлоққа зид ҳаёт тарзлари ўсмирларнинг ҳиссий соҳаларидаги барқарорликка, шунингдек, асаб тизимининг аҳволига (асаб тизими таъсирга тез берилувчан бўлади, текширувдан ўтказилганларнинг 42,5 фоизида асаб жараёнларининг бузилиши кузатилди) салбий таъсир этади. Демак, ўсмирнинг ҳиссий-иродавий, маънавий ва биологик ривожланиши ҳаёт ва фаолият шароитлари ҳамда атрофни ўраб турган муҳит билан ўзаро муносабати тавсифига боғлиқ.

Ўрганилган оилалардаги тарбия болалар ҳаётининг дастлабки йилларидан бошлаб бир томонлама хусусияти билан ажралиб турган ва болаларнинг имкониятлари ҳамда эҳтиёжларига, уларнинг руҳий-физиологик ривожланиши суръатига мос келмаган. Шунингдек, тарбияни етарлича сезгирлик билан олиб борилган деб бўлмайди. У кўпроқ тор доирада амалга оширилган. Онанинг болага муносабати тавсифига кўра, кўпрок энагалик қилишга ўхшаб кетади. У боласини ёшлигида ўзи бошидан кечирган қийинчиликлардан асрашга, бу билан оила ҳаётида ота иштирокининг йўқлигини билдирмасликка ҳаракат қилади.

Ёки бошқа бир мисол. Ота-она болага нисбатан муносабатда ўзларини тутишга ҳаракат қилишади: эркалаш, мақташ, меҳрибонликни ортиқча ташвиш деб биладилар. Дўқ уриш, жазолаш, панд-насиҳатга келганда ўзларини тия олмайдилар. Шунинг учун бола уларнинг салбий томонларидан фойдаланишга ҳаракат қилади. Бундан ташқари, тарбияда болаларнинг тенгдошлари билан мулоқот қилишга ва уйинга эҳтиёжи етарли даражада ҳисобга олинмайди. Шу билан бирга, ота-оналарнинг ўзларида ўзаро тушуниш етишмайди, ҳар икки оиланинг бирида улар ўртасида оилавий муносабат ва бола тарбияси масалаларида ихтилофлар кузатилади.

Кўпчилик оилаларда ота-оналарга нисбатан ота-онанинг бола билан ихтилофли муносабати кўпроқ кузатилган. Бу низолар болалар эркини бўғиш, фаолиятларини чеклаш оқибатида содир бўлаётир. Ота-оналарнинг болага ишончсизлик билан қарашлари, совуқ муносабатлари, уларнинг ҳислари ва истакларини тушунмасликлари болаларга руҳий жароҳат етказади.

Оиладаги кўп йиллик асабийлик, руҳий жароҳат етказувчи вазиятнинг давом этаётгани натижасида асаб касалига дучор бўлган болаларда ўзини ёмон ҳис қилиш, ортиқча эҳтиёткорлик, ҳаяжонланиш, йиғлоқлик, кайфиятининг пастлиги, ўз кучига, ўзига ишончнинг йўқлиги кузатилмоқда. Характернинг бу ташқи хусусиятлари аввалига айтарли мустаҳкам бўлмай, уни ўз вақтида кўрсатилган тиббий-педагогик аралашув йўли билан бартараф этиш мумкин. Бунга эса ота-оналар билан малакали руҳий-тўғрилаш ишлари олиб борилгандагина эришилади.

Тадқиқотлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, қонунбузар ўсмирлар оиласининг 69 фоизида ота-оналар ўртасидаги муносабат ихтилофли характерга эга бўлган, бола хулқи қониқарли деб ҳисобланган оилаларда эса бу кўрсаткич 14 фоизга тенг. Эр-хотин ўртасидаги муносабат низоли характерга эга бўлган оилалардаги эркакларнинг 62 фоизи, оналарнинг 50 фоизи болалари олдида обрўга эга эмас. Бундай оилаларда ота-оналар бир-бирлари билан жанжаллашиб, бир-бирларини ҳақорат қилар эканлар, болаларни ўзларидан бегоналаштирадилар, улар ота-онанинг раҳбарлигисиз вояга етадилар. Ота-оналардаги педагогик одобнинг йўқлиги болаларда салбий хусусиятларнинг ривожланишига, ўқишга қизиқишнинг пасайишига, уйда фойдали иш билан шуғулланмаслигига, бекорчиликка мойилликка олиб келади. Ота-оналар мунтазам жанжаллашиб турадиган оилаларда (87 фоиз) меҳнатга ортиқча юк сифатида қарашади, 70 фоизи севимли машғулот билан банд эмас, бўш вақтда қандай иш билан шуғулланишни билмайди, 86 фоизи уй вазифасига эга эмас.

Қонунбузар ўсмирлар оиласининг 79 фоизидаги ота-оналарнинг аҳлоқий ҳулқида салбий сифатлар мавжуд, аксарият ҳолларда (30 фоиз) бойлик орттиришга интилиш кучли, оилаларнинг 6 фоизидаги ота-оналар давлат мулкини ўғирлаш билан шуғулланадилар, 16 фоиз ҳолатда оила аъзоларидан бири озодликдан маҳрум этилган. Бу маълумотлар шундан далолат берадики, ота-оналарнинг маънавий қиёфалари, ҳаётга қарашлари, ғоявий йўналганлиги кўп ҳолларда ўсмирларга тақлид қилиш учун манба бўлиб хизмат қилади, бола шахсини ижтимоийлаштиришда оилавий тарбиянинг ютуғи ёки унинг аксини белгиловчи омиллардан бири бўлиб қолади.

Ота-оналарнинг болаларга муносабати алоҳида қизиқиш уйғотади. Тарбияси қийин ўсмирлар оиласининг 17 фоизида ота-оналар ўз фарзандларини беҳад севадилар, улар учун шундай шароитни ҳозирлашга ҳаракат қиладиларки, бола бунинг натижасида қўлини совуқ сувга урмайдиган бўлиб ўсади. Ота-оналар болалар эҳтиёжини нима қилиб бўлса-да, қондириш мақсадида ҳар қандай сарф-харажатдан чўчимайдилар, бу билан худбин болани тарбиялайдилар. Бола тарбиясига бундай онгсиз ёндашувни нафақат яхши таъминланган оилаларда, балки даромади ўртача бўлган оилаларда ҳам кузатиш мумкин. Оилаларнинг 37 фоизидаги ота-оналар ўзларининг ижтимоий билимсизликлари, оилавий ҳаётга ва бола тарбиясига тайёр эмасликлари, педагогик саводсизлик билан уйғунлашган ижтимоий даражасининг пастлиги туфайли бола билан мулоқот қила олмайдилар. Оилаларнинг 24 фоизидаги ота-оналар педагогик ва одоб-ахлоқ, нафосат билимлари заҳирасига эга бўлишларига қарамай, бола тарбияси масаласига етарли эътибор бермайдилар, уни мактаб ёки иккинчи даражали шахслар (бува, энага) зиммасига юклашга ҳаракат қиладилар.

Педагогик қаровсиз оилалардаги ота-оналарнинг мактабга, ўз болаларининг мактаб фаолиятига муносабати ҳам характерлидир. Оилаларнинг 62 фоизидаги ота-оналар болаларининг ўқиши ва ҳулқини назорат қилмайдилар, 58 фоизида ота-оналар йиғилишида мунтазам иштирок этмайдилар, 22 фоизида ўқитувчилар билан учрашувдан ўзларини четга оладилар.

Айрим оилаларда ота-оналар билан болалар ўртасида мустаҳкам руҳий алоқаларнинг йўқлиги ва айрим ўсмирларнинг оиладан бегоналашишларида акс этадиган оилавий тарбиянинг бу нуқсонларини ота-оналарда педагогик маълумотнинг паст савияси, оиланинг паст педагогик маданияти, маънавий ҳаётдаги камбағаллик билан изоҳлаш мумкин.

Ҳамидулла ЙЎЛДОШЕВ,
педагогика фанлари номзоди.

# ОРОЛ МУАММОЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Нукус шаҳрида жумҳурият жуғрофия ўқитувчиларининг «Орол» муаммоларига бағишланган семинари бўлиб ўтди. Унда маъруза қилганлар Ўзбекистонда экологик амалиётнинг ривожланиши, унинг табиий-ижтимоий экологик муҳити ҳамда уни яхшилаш йўллари, табиат ва жамиятнинг ўзаро таъсири, Қорақалпоғистондаги экологик вазият ва табиатни муҳофаза қилиш каби бир қатор масалалар ҳақида сўз юритдилар.

Маърузалардан кейин Нукус ва Мўйноқ шаҳарлари мактабларида ностандарт (қолипсиз) дарс ва мактабдан ташқари ишлар кузатилди. Шунингдек, семинар қатнашчилари Қорақалпоғистон жумҳурияти халқининг санъати ва тарихи, ўлкашунослик музейи ҳамда Нукусдаги «Орол» билан аталувчи илмий-тадқиқот марказида бўлишди ва у ердаги ишлар билан танишишди. Айниқса, қорақалпоқ халқининг севимли ёзувчиси, киноҳужжатчи Оразбой Абдураҳмонов билан учрашув ҳамда у яратган «Орол-Чўл» ҳужжатли фильми ҳаммани ҳаяжонга солди.

Ҳ. ЎРМОНОВ.

* * *

# МУҲИМ ҚЎЛЛАНМА

Ҳ. Олимжон номли Қарши педагогика дорилфунунининг катта ўқитувчиси, чет тиллар кафедрасининг етук мутахассиси Ш. Абдуназаровнинг «Таълим ва тарбиянинг долзарб масалалари» номли методик-қўлланмаси нашрдан чиқди.

Янги қўлланма мутахассис тажрибаларининг жамланмасини ўз ичига олиб дарс ўтиш услуби ва уни меҳнат билан боғлаб бориш каби бир қатор бўлимлардан ташкил топган.

Булардан ташқари қўлланмадаги ҳар бир бўлим ҳозирги даврда таълим жараёнини янгилаш, уни юқори поғоналарга кўтариш, педагогика ва инсон дунёқараши сингари муаммоларнинг кенг ёритилиши билан методологик асос бўлиб хизмат қилиши табиий.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, мазкур қўлланма фақат педагогик олий ўқув юртлардаги мутахассислар учун мўлжалланган бўлмай, мактаб ўқитувчилари, кенг жамоатчиликни қизиқтирадиган жиҳатлари ҳам кўпдир.

Ў. НУРҚОБИЛОВ,
Қарши педагогика дорилфунунининг немис тили ўқитувчиси.

